Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 86 (5677).
12 АПРЕЛЬ 1985 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

М. С. ГОРБАЧЕВ
АҚШ КОНГРЕССИ ПАЛАТАСИНИНГ СПИКЕРИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

10 апрелда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев СССР Олий Советининг таклифига биноан СССРга келган АҚШ конгресси вакиллар палатаси делегациясининг бошлиғи, вакиллар палатасининг спикери Т. О'Нилни Кремлда қабул қилди. М. С. Горбачев билан Т. О'Нил ўртасида суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбатда СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси Л. Н. Толкунов ва АҚШ конгресси вакиллар палатасининг аъзолари Р. Майкл, Д. Ростенковски, С. Конте, шунингдек АҚШнинг СССРдаги элчиси А. Хартман иштирок этдилар

М. С. Горбачев Америка конгресси аъзолари билан саломлашиб, вакиллар палатасининг мўътабар делегацияси СССР Олий Советидаги ҳамкасблари билан актив сиёсий мулоқот ўтказганлиги хусусида мамнуният билдирди. Иккала томон ана шу сиёсий мулоқотни ижобий деб баҳоламоқда. Конгресснинг Америка сиёсий турмушидаги роли бизга маълум, деди М. С. Горбачев, зотан биз Совет — Америка муносабатларини активлаштириш жиҳатларидан бири сифатида парламентлар орқали алоқаларни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқдамиз.

Ҳозир шундай бир вақтки, иккала мамлакатнинг сиёсатини шакллантираётган кишилар албатта бир-бирлари билан суҳбатлашиб туришлари керак. Дунёдаги вазият нотинч, ҳатто хатарлидир. СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларда эса муз давридагига ўхшаш бир ҳол содир бўлмоқда (ҳеч бўлмаганда энг кейинги вақтларгача шундай эди).

М. С. Горбачев совет раҳбарлари Совет — Америка муносабатларини нормал ўзанга қайтаришга астойдил интилаётганликларини таъкидлади. Биз шу муносабатларнинг ҳозирги кескинлигига иккала мамлакат миллий манфаатларининг қандайдир тақдирга битилган тўқнашуви асос бўлмоқда деб ҳисоблаётганимиз йўқ. Аксинча, бизнинг халқларимиз кенг кўламдаги ва самарали ҳамкорликни ривожлантиришдан кўп наф кўришлари мумкин. Хавфсизликни таъминлашдан, халқларимиз ҳаётининг ўзини сақлаб қолишдан иборат устун муштарак манфаат уларни бирлаштириб турганлиги тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Мамлакатларимизнинг социал системаларидаги, идеологияларидаги тафовутлар — муносабатларни тўхтатиш ва бунинг устига адоватни авж олдириш учун сабаб эмас.

Ўзаро манфаатли Совет — Америка ҳамкорлиги бемалол мумкинлигини тажриба кўрсатиб турибди. Иккала томон 1972 ва 1973 йилларда имзолаган бир қанча энг асосий ҳужжатлар турли соҳаларда самарали ҳамкорлик пойдеворини яратган эди. Бу эса кескинликни юмшатиш умуман халқаро муносабатларга ёйилишига, жумладан Хельсинкидаги Умумевропа кенгашининг муваффақиятли ўтишига кўмаклашди. 1972 йилда СССР билан АҚШ раҳбарлари ўз имзоларини чеккан ҳужжатда мамлакатларимиз ўртасида тинч-тотув яшаш — ядро асримиздаги бирдан-бир оқилона йўлдир, деб уқтириб ўтилди.

Бу гап ҳар бир халқнинг ички ишларига аралашмай, бошқа мамлакатларни ўз қолипига солиб ўзгартиришга, бошқа халқларга ўз ҳукмини тиқиштиришга уринишга йўл қўймай, ҳар бир халқнинг ўз турмушини ўзи хоҳлаганича қуриш ҳуқуқини эътироф этишга ҳам таалуқли, албатта.

СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни ҳақиқатан ҳам яхшилаш учун, деб таъкидлади М. С. Горбачев, шу мамлакат раҳбарларининг **сиёсий иродаси** зарур. Совет томони шундай иродага эга. Америка томони ҳам бундай иродани намоён этган тақдирда ҳозир бизнинг мамлакатларимизни ажратиб турган кўпгина конкрет масалалар босқичма-босқич ҳал этиб борилади.

М. С. Горбачев, жумладан, Женевадаги Совет — Америка музокараларида иккала мамлакат халқларининг хавфсизлигини таъминлаш, ядро урушининг олдини олиш масалаларига батафсил тўхталиб ўтди.

Совет Иттифоқи, деди у, Ер юзида тинчлик иши учун ўз халқи олдидаги, бошқа халқлар олдидаги юксак масъулиятни ҳис этаётганлигига амал қилиб АҚШ билан бу янги музокараларга борди. АҚШ музокаралар тўғрисидаги таклифимизни қабул қилганлигидан биз мамнунмиз. Биз салмоқли реал натижалар тўғрисида, стратегик ядро қуроли билан ўртача олисликка учириладиган қуролларни жуда кўплаб қисқартириш тўғрисида аҳдлашиб олишга интилиб, шу музокараларни ҳалол, жиддий олиб бориш учун унда қатнашмоқдамиз. Аммо бу мақсадларга Америка томони қуролланиш пойгасини космосга ёйишдан иборат иғвогарлик режаларидан воз кечган тақдирдагина эришиш мумкин. Америка томони космосда «мудофаа» қуроли ниқоби остида биринчи бўлиб ядро зарбасини жазосиз бериш имкониятини ўзига таъминлаб олишни истамоқда. Айни шу боисдан ердаги ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва космосда шундай пойгага йўл қўймаслик тўғрисидаги масалаларнинг ҳал этилиши — шу йил январь ойида СССР билан АҚШ ўртасида келишиб олинганидек, комплекс ҳолда ҳал этилиши лозим бўлган ягона проблемадир.

АҚШнинг ядро қуролларини қисқартириш хусусида шартлашиб олиш ниятидамиз, деб айтаётган гапларини шундай қуролларни кўпайтириш борасидаги жонжаҳд билан қилинаётган кундалик ишлар билан қандай қовуштириш мумкинлигини тушуниш қийин, деди М. С. Горбачев. Америка маъмурияти билан АҚШ пропагандасининг СССР ядро қуролларининг ҳар хил турлари жиҳатидан қандайдир устун эканлиги хусусида қилаётган даъвоси — фактларни тўғридан тўғри бузиб кўрсатишдир. М. С. Горбачев мана шу барча қурол-яроғлар соҳасида Совет Иттифоқи билан НАТО мамлакатлари ўртасида ҳақиқатан мувозанат, тахминий тенглик мавжудлигини суҳбатдошларига конкрет факт ва рақамлар асосида кўрсатиб берди. Айни шу боисдан СССР халқларнинг орзу-умидларини оқлашга, Женевадаги музокараларда ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки конкрет натижаларга эришишга ҳамда шу музокараларнинг бундан буён муваффақиятли давом этишини енгиллаштиришга интилиб, жуда табиий ва оқилона ишни: аввало ердаги ядро аслаҳахоналари тобора кўпайтирилишини тўхтатишни, космосда жойлаштириш учун қурол яратишга тайёргарликни тўхтатишни ва шу асосда, ўзаро ишонч шу тариқа мустаҳкамланган бир шароитда тўпланган қурол запасларини қисқартириш тўғрисидаги битимларни тайёрлашга дарҳол ўтишни таклиф қилди. СССР ўзининг самимийлиги ва холис ниятда эканлигини яна ҳам ишонарлироқ исботлаш учун Европада ўртача олисликка учириладиган ўз ракеталарини бундан буён жойлаштиришни ҳамда бошқа жавоб чораларини амалга оширишни шу йилнинг то ноябрь ойигача бир томонлама тартибда тўхтатиб қўйишини эълон қилди.

Модомики аҳдлашиб олиш нияти бор экан, бутун дунёда муҳим ва конструктив холис ният ифодаси деб баҳоланган СССРнинг мана шу таклифлари ва ҳаракатларига ёпишиб олиш керакдек эди. Аммо АҚШ маъмурияти мутлақо тушуниб бўлмайдиган шошмашошарлик билан дарҳол ўзининг салбий муносабатда эканлигини билдирди, — бизнинг ҳаракатларимизни «пропаганда» деб таърифлади. Шундай шароитда АҚШнинг Женева музокараларидаги ниятлари самимийлиги хусусида шубҳа қилмай бўладими?

Совет Иттифоқи Женевада конкрет аҳдномаларга эришиш учун астойдил интилмоқда ва Совет — Америка муносабатлари нормал ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳамда ўзаро ҳурмат ўзанига қайтишини истамоқда, деди М. С. Горбачев. У буни АҚШ конгресси ва маъмуриятига етказишни конгресс аъзоларидан илтимос қилди.

Спикер О'Нил ва Американинг бошқа конгресс аъзолари АҚШ билан СССР ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланишини ва Женевадаги музокаралар муваффақиятли давом этишини ёқлаб фикр билдирдилар. Улар бўлиб ўтган суҳбатдан ғоят мамнун эканликларини билдириб, уни ошкора ва фойдали деб баҳоладилар.

(ТАСС).

СУВ ХЎЖАЛИГИ ҚУРИЛИШИ СУРЪАТЛАРИНИ ОШИРАЙЛИК

11 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой» ва республика Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети коллегияларининг қўшма мажлиси бўлди. Биринчи кварталдаги иш якунлари ҳамда КПСС Марказий Комитети 1985 йил март Пленумининг қарорлари, қурилишда меҳнатни ташкил этишни, унга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш системасини такомиллаштириш юзасидан КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда илгари сурилган йўл-йўриқлар ва талаблар асосида 1985 йилги планни бажариш соҳасида республика сув хўжалиги ташкилотларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Мажлисда сўзга чиққан нотиқлар республиканинг сув хўжалиги ташкилотлари партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленумининг қарорларини амалга ошира бориб, шу йилнинг биринчи квартали учун белгиланган топшириқларни асосан уддалаганликларини уқтирдилар. Пудрат ишлари плани 100,6 процент бажарилди. Янги ерларни ишга тушириш, ерларни обдон текислаш, ҳайдаладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уй-жойларни, мактабгача тарбия муассасаларини фойдаланишга топшириш, саноат маҳсулотини реализация қилиш юзасидан квартал топшириқлари анча ошириб бажарилди.

Шу билан бирга, мажлисда уқтириб ўтилганидек, сув хўжалиги ташкилотлари мавжуд резервлар ва имкониятлардан ҳали ҳам тўла даражада фойдаланмаяптилар. Биринчи кварталнинг айрим кўрсаткичлари пасайиб кетди. Чунончи, йиллик планга нисбатан асосий фондларнинг атиги 10,5 проценти, янги суғориладиган ерларнинг 16 проценти ишга туширилди. Сув хўжалиги қурилиши суръатларини ошириш учун, режалаштирилган барча объектларни муддатидан илгари ишга туширишни таъминлаш учун ҳозир ҳамма чораларни кўриш зарур.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI—XIX пленумларининг қарорларини оғишмай амалга ошириш муҳим вазифадир, деб уқтиришди сўзга чиққан нотиқлар. Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой» ва Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг қурилиш ташкилотларида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар ҳали ҳам суст олиб борилаётганлиги уқтирилди. Бекор туриб қолиш ҳоллари бор, ер қазиш техникасининг иш унуми паст, коллектив пудрат методи асосида ишлаётган хўжалик ҳисобидаги бригадаларни тузиш вақтида юзакичиликка йўл қўйилмоқда. Қурувчилар ўртасида социалистик мусобақани уюштиришни яхшилаш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаларини кенг оммалаштириш учун тегишли шарт-шароитларни яратиш зарур. Ишлар сифатига катта эътибор бериш лозим, чала объектларни фойдаланишга топшириш ҳолларига барҳам бериш керак.

Зовурларни ювиш суръатларини ошириш, насос станцияларини ишга тайёрлаш муҳимлиги уқтирилди.

Мажлис иштирокчилари қурилиш-монтаж ишлари ва бошқа ишларнинг йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш, партиянинг XXVII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан белгиланган тадбирларни тасдиқладилар. Янги ерларни фойдаланишга топшириш йиллик программасини Улуғ Октябрнинг 68 йиллигигача туґаллашга, 77 минг гектар ерни ишга туширишга, чўлқуварларга зарур миқдорда ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектларни топширишга қарор қилинди.

Коллегияларнинг қўшма мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. А. Айтмуротов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Б. Р. Раҳимов, СССР мелиорация ва сув хўжалиги министрининг ўринбосари В. Ф. Моховиков иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОНДА ПОРТУГАЛИЯ КУНЛАРИ

11 апрелда Ўзбекистонда Португалия кунлари бошланди. Унда қатнашиш учун «Португалия — СССР» уюшмасининг делегацияси Тошкентга келди. Делегацияга уюшма кенгаши президиумининг аъзоси, Португалия демократик ҳаракати партияси миллий дирекциясининг аъзоси, Португалия Республикаси ассамблеясининг депутати Луиш Мануэл Алвеш ди Кампуш Катарину бошчилик қилмоқда.

Тошкентдаги «Баҳор» концерт залида Португалия кунларининг тантанали очилиш маросими бўлди. Сўзга чиққан кишилар Португалия кунлари бир-бирларига делегациялар юбориб туришнинг, ҳар хил тадбирлар ўтказишнинг муҳим давоми бўлишини қайд этиб ўтдилар. Бу тадбирлар Совет Иттифоқи билан Португалия Республикаси халқлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Иккала мамлакатнинг маданият усталари ҳам халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшмоқдалар. Португалияда Ўзбекистон кунлари муваффақиятли ўтди. Тасвирий ва амалий санъат виставкаларини, «Баҳор» ансамблининг концертларини кўп томошабин келиб кўрди.

Португалия вакиллари Тошкентга халқ амалий санъати, акварель, гравюра, болалар расмлари виставкаларини олиб келдилар. Халқ ансамбли ҳамда машҳур хонанда ва композитор, тинчлик учун курашга бағишланган бир қанча қўшиқларнинг муаллифи Франсишку Сейя ўзбек томошабинларини ўз ватанининг қўшиқ ва рақслари билан таништиради.

Португалия кунлари маршрути Самарқанд, Фарғона ва Марғилондан ҳам ўтади. (ЎзТАГ).

Ишга тушириладиган объектлар «Оқшом» назоратида

УЙСОЗЛАР СИФАТГА КАФОЛАТ БЕРИШЯПТИ

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНЛИ 1-УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ КОЛЛЕКТИВИ АНА ШУ ШИОР ОСТИДА ИШЛАМОҚДА

Қурилиш-монтаж ва пардоз ишлари сифати. Бу масалани ҳал этиш Ўзбекистон пойтахти қурилиш бўлинмалари фаолияти кун тартибидан тушмаяпти. Кўп ҳолларда Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармаси ташкилотлари амалга ошираётган иш сифати ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Худди шу сабабдан, сифатсиз қурилиб, объектларни топширишдек ярамас одатга қарши 1-уйсозлик комбинатида кескин кураш очилганлигини мамнуният билан қайд этмоқ лозим.

Комбинат бош қурувчиси Марат Савельевич Брок билан Юнусобод, Оҳангарон шоссесида қурилаётган янги микрорайонларда, 1-йирик панелли уйсозлик ва 6-темир-бетон буюмлари заводларида бўлиб уйлар қурилиши қандай бораётганлиги, қурилиш материаллари қандай тайёрланаётганлиги, уйсозлар иш сифатини яхшилаш борасида қандай ишларни амалга ошираётганликлари билан танишдик. Юнусободдаги СГ—3 янги микрорайонидамиз. Турар жой комплексининг учинчи навбати умумий фойдаланиш сатҳи 103 минг квадрат метрли 15 та уйдан иборат. Бу объектларни камида «яхши» баҳо билан фойдаланишга топшириш керак. 1-уйсозлик комбинатининг 26-қурилиш бошқармаси коллективи ўз олдига ана шундай вазифани қўйган.

— **«ТДСК—7 1А— 77» сериясидаги еттита беш қаватли уйни апрель ойида фойдаланишга топширишимиз керак,— дейди участка бошлиғи Рустам Орипов. — Кунн-кеча кўп квартирали учта уйни фойдаланишга топширдик. Уларга ҳамшаҳарларимиз кўчиб кирмоқдалар. Ишимиз СИФАТИГА ҳеч қандай эътироз йўқ.**

Биз 17-уйнинг бир нечта квартираларида бўлиб, бунга тўла ишонч ҳосил қилдик. 23-квартирага 2-Тошкент дон маҳсулотлари комбинатининг смена мастери Шавкат Аҳмедовнинг оиласи кўчиб кирган экан. Ишлаб чиқариш илғори тез кунда янги тўрт хонали квартирада уй тўйи ўтказади. — Кайфиятлар қалай?— деб сўраймиз ундан.

— **Кайфиятимиз аъло,— дейди Шавкат табассум билан. —Менга ҳам, рафиқам Марҳаматга (у болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлайди) ҳам, уч ўғлимга ҳам квартира жуда маъқул бўлди. Мана қаранг, қандай кенг, ёруғ хоналар.** Равонли айвон, шинамгина ошхона. Бундан яхшиси бўлмайди. Ҳар бир хона юксак дид билан сайқалланган. Паркет ҳам теп-текис, лакланган, ғижирламайди. Деворларга киши кайфиятини кўтарувчи гул қоғозлар ёпиштирилган... **Очиғини айтганда, кўчиб киришим биланоқ ремонт ишларини бошлаб юборсам керак деб ўйлаган-дим. Афсуски, бундай ҳоллар тез-тез бўлиб туради. Лекин бунинг акси бўлди.** 1-уйсозлик комбинати қурувчиларига, бошқа бўлинмаларнинг ишчиларига бундай ажойиб квартира учун чин дилдан миннатдорчилик билдирамиз.

● ИСТИҚОМАТЧИ БАҲО БЕРАДИ
● ҲАР БИР БИНОГА—КАФОЛАТ ПАСПОРТИ
● МОНТАЖДА — ЯНГИ СЕРИЯДАГИ УЙ

Аммо қурилиш ишларининг барча босқичларида яхши ва аъло сифатга эришиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. 1-уйсозлик комбинати қурувчилари бу йил шаҳар бўйича 40 процент турар жойни, яъни 350 минг квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топширишлари керак. Бундай вазифани адо этиш учун ишга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида, ҳар бир бригадада қурилиш жараёнларини аниқ ташкил этиш лозим. Меҳнат ва технология интизомининг ҳар қандай бузилиш ҳолларига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари қарорларидан келиб чиққан ҳолда чора кўрмоқ керак. Худди мана шундай иш комбинатда XVI пленумдан кейин бошланди.

— **Қурилиш ишлари сифатини яхшилаш бўйича 1985 йил учун белгиланган комплекс тадбирларни, — дея ҳикоя қилади Марат Савельевич Брок,— тўла амалга оширмоқдамиз, амалий иш тўғри йўлдан бораётганлигимизни кўрсатмоқда.** Кўпгина тадбирларни жорий этишдан олаётган самара жуда катта. Бунинг натижасида коллектив барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича планни бажармоқда.

Биринчи навбатда уйсозлар комбинатда уйлар қурилишининг қандай бораётганлигини назорат қилишни кучайтирдилар. Бу йил комбинат комиссияси иштирокида уйларнинг сифати мунтазам текшириб борилди.

Комбинатда шундай қарор қабул қилинди: барча уйлар сифат кафолати паспортлари билан фойдаланишга топширилади! Тайёр бўлган уйда қурувчиларнинг ўзлари узоқ ушланиб туришни хуш кўрмайдилар. Чунки уларни янги қурилишлар кутмоқда. Шунинг учун ҳам сифат масаласи айни пайтда кенг кўламда кўриб чиқилмоқда. Бинобарин, бракни қайта тиклашдан кўра, ишни бошиданоқ виждонан бажарган афзал. Йилнинг дастлабки ойлари шуни кўрсатдики, бу азму-қарор 1-уйсозлик комбинатида қизғин маъқулланди.

Қурувчилар ишида сифат масаласи кўп жиҳатдан материаллар сифатига, яъни уларнинг заводда қай даражада тайёрланаётганлигига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам 1-йирик панелли уйсозлик, 6-темир-бетон буюмлари заводларида ва комбинатнинг ишлаб чиқариш-техника комплектацияси бошқармасида қолиплашнинг, шпаклёвка қилишнинг, панелларни пардозлашнинг, арматура синчлари тайёрлашнинг операциялараро назоратини жорий этиш давом этмоқда.

Комбинатнинг техник инспекцияси, бўлинмаларнинг инженер-техник ходимлари иштирокида объектларга чиқишни ташкил этмоқда. Сифат кунлари мунтазам ўтказиляпти. Иш сифатини яхшилашда 1- ва 2-уйсозлик комбинатлари коллективларининг ўзаро мусобақаси муҳим омил бўлмоқда. Тўртинчи кварталда олий категорияли сифат бўйича саноат маҳсулотларини аттестация қилиш ўтказилади. Барча ишга тушириладиган объектларда сифат бўйича ўртача баҳони «яхши»гача етказиш мўлжалланмоқда.

1-уйсозлик комбинатида бу муҳим масалани ҳал этишга ана шундай комплекс ёндошилмоқда. Бу билан бу ерда эртанги кунни ҳам унутишмаяпти, инженер-техник ходимлар ва илғор ишчиларнинг ижодий ташаббуслари ва новаторликларидан муваффақиятли фойдаланилмоқда. Яқин вақт ичида комбинатни тўққиз қаватли уйлар ишлаб чиқаришга ва қуришга ўтказиш мўлжалланмоқда. Бу борада эксперимент бошланди. Бундай уйни фойдаланишга топшириш шуни кўрсатдики, уйсозлар тўғри, энг маъқул йўлни танлашган.

1983 йили «ТашЗНИИЭП» институти «ТДСК-1» сериясидаги тўққиз қаватли уйларнинг чизмаларини тайёрлашга киришган эди. Комбинатда эса бир йўла уларни ишлаб чиқариш ва қуриш ишлари бошлаб юборилди. Ҳозирда Оҳангарон шоссесида қурилган 36 квартирали 52 ва 52-А уйларга В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнаткашлари кўчиб кирмоқдалар. Унинг ёнида худди шунга ўхшаш бинода пардозлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Бу уй икки трассадан иборат бўлиб, 72 та квартирага эга.

Хўш, янги уйлар қандай кўринишга эга? Уларнинг ташқи кўриниши жуда чиройли бўлиб, миллий руҳда пардозланган. Аммо энг муҳими, албатта бинонинг ихчам режалаштирилганидир. Амалий жиҳатдан улар комбинат ишлаб чиқараётган олдинги сериядаги уйлардан фарқ қилмайди. Бунда хоналар катта, айвонларга ром ўрнатилган, йўлак ва ошхона ҳам кенг ва шинам.

Бироқ энг муҳими шундаки, янги сериядаги уйлар барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича 2 ва 4-уйсозлик комбинатлари қураётган сериядаги уйлардан юқори туради. «ТДСК —1» сериядаги уйларнинг смета баҳоси арзон бўлиб, уларни қуришда ҳам меҳнат харажатлари қисқартирилган, металл ва цемент ҳам кам сарф бўлади. Бинобарин унинг фойдаланиш сатҳи ҳам каттадир.

1-уйсозлик комбинатининг ишчилари (бошлиғи Э. Р. Рустамов) қурилиш-монтаж ишларининг 85 процентини бригада пудрати методи асосида бажармоқдалар. Бу Бош бошқарма бўйича энг яхши кўрсаткичдир. Улар қурилиш сифати бўйича дастлабки ўринлардан бирини эгаллаб турипшбди. Бу эса КПСС XXVI съезди программаси белгилаган ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлидаги яна бир муҳим қадамдир.

В. ЭНКЕР.







СУРАТЛАРДА: 21-қурилиш бошқармасининг пардозловчи комсомол-ёшлари Оҳангарон шоссесида бунёд этилган 52-уй эгаларини табассум билан кутиб олмоқдалар; 52-уйнинг квартираларидан бирида А. Оллоберганов онласи уй тўйига ҳозирлик кўряпти. 21-қурилиш бошқармасининг бўёқчиси Шоира Абдуқодирова ўз ишидан мамнун: у бажарган иш «аъло» баҳоланди.

Т. Каримов фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика партия органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети умумий бўлимининг сектор мудири ўртоқ Василий Григорьевич Осиковскийга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

«Главташкентстрой»га қарашли 153-қурилиш трестининг барча бунёдкорлари ленинча шанбалик кунида объектларда ишлатилиши лозим бўлган материаллар ва техника воситаларини тайёр қилиб қўйдилар. Трестнинг 1468 кишидан иборат коллективи шанбаликда ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилади. Шундан 1192 киши бунёд этилаётган объектларда катта ҳажмли қурилиш ишларини амалга оширади. Қурувчилар ўша куни 38 минг 200 сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга аҳд қилдилар. Шундан 5578 сўм пул беш йиллик фондига ўтказилади.

Трестнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Холхўжа Баҳодиров, СССР Давлат мукофотининг лауреати Раҳим Зияев, район Совети депутати Эргаш Ҳасанов сингари азаматлар бошлиқ бригадалари шанбалик куни юқори меҳнат кўрсаткичини қўлга киритишга жазм этганлар.

●

Тошкент тўқимачилик комбинатининг илмий-тадқиқот лабораторияси ходимлари машинада теришга мослаб парвариш қилинадиган «Оқ—Боёвут— 2» навли пахтанинг толаси технологик хусусиятларини ўрганишга киришдилар. Тўқимачилар бу нав пахтани тўрт хил усулда синовдан ўтказишмоқда. Дастлабки олинган хом ашё юқори сифатли сатин тайёрлаш учун ишлатилади.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 19 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 11—13, эртага кундузи 23—25-даража иссиқ бўлади.

• Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан

УШАЛГАН ОРЗУ

Бобо ва набира... Бобо ўз қўли билан воядга етказган ўрикнинг остини белкурак билан юмшатар экан, беихтиёр унинг бўйбастига тикилади. Ўрик танасини оқлаётган набира эса ҳамон хиргойи қилмоқда. У чексиз қувонч оғушида иштиёқ билан ишлар эди.

Ўрик гуллари орасидан чарақлаб кўринган қуёш нурлари бобонинг кўзларини қамаштиради. У чуқур хўрсиниб қўйди-да, оҳистагина юриб кейинги дарахтнинг олдига ўтди. Соҳибжамол қизидек ясаниб олган бу дарахтнинг тагини юмшатиб, гулқайчи билан қуриб қолган новдаларни кесиб ташлади. Сўнг яна дарахтнинг юқорироги қисмига — оппоқ гулларга тикилди. Учқур хаёллар бир зумда бобони узоқ-узоқларга олиб кетди. Набира бобосининг олдига келиб, унинг қўлларидан ушлади.

— Нималарни ўйлаб қолдингиз бобожон? — сўради у.

— Э, э, нималарни бўларди, урушида, болагинам.

Бир лаҳзалик жимликдан сўнг бобо оғир хўрсиниб сўзлай бошлади.

— Худди шундай пайт эди. Ҳаммаёқ кўм-кўк. Боғлар оппоқ гулга бурканган. Ғирғир эсиб шабада кўнгилга ҳузур бағишларди. Биз «Ҳужумга, олға!» командаси берилиши билан қўлларимиздаги қуролларни ишга солдик. Икки ўртада қаттиқ отишма бошланди. Қаҳримизга дош беролмаган душман дарахтлари оппоқ гуллаган боғнинг ичига яширинишга ҳаракат қилди. Биз эса ҳужумни яна ҳам кучайтирдик. Фашистларнинг жуда катта кучини барбод қилиш учун ўша гуллаб ётган боғ устига ажал уруғини ёғдиришга мажбур бўлдик. Фашист газандаларн билан бирга ўша гуллаб ётган боғ ҳам ер билан яксон бўлди. Оппоқ гуллаган дарахтлардан биронтаси ҳам қолмади. Бу воқеа менинг қалбимда абадий муҳрланиб қолди.

Бобо набирасига ҳикоя сўзлаётган лаҳзаларда «зангори экран»да Ғалаба Парадига бағишланган ҳужжатли фильм намойиш қилинаётган эди. Афсуски, бобо бундан бехабар эди.

Мана, Ватанимиз пойтахтининг Қизил майдони. Барабанларнинг тантанавор садолари янграшн билан терма полклар ҳаракатга келиб, Ғалаба Парадининг юриши бошланди. Барабан садолари янада тантанавор ва ғолибона янграй бошлади. Икки юз жангчи янгроқ садо остида фашист байроқларини эгиб бормоқдалар. Бу байроқлар Қизил майдоннинг тошлари узра судралиб борнб, жангчиларимизнинг қудратли қўллари билан Мавзолей пойига ташланди. Байроқ ирғитган икки юз жангчининг орасида дарахтларни оқлаётган йигитчанинг бобоси — гвардиячи сержант Шерали Бийтурсунов ҳам бор эди.

Шерали Бийтурсунов жангоҳларда жасорат кўрсатганларнинг бири. Тошкентдаги болалар уйидан бирнда тарбияланган. 1940 йили Совет Армияси сафига чақирилиб, Улуғ Ватан урушининг биринчи кунидан бошлаб Ғалаба лаҳзаларига қадар немис-фашистларига қарши жанг қилган.

Дастлаб 1-Украина фронтининг Ленин орденли Проскуров гвардия полки қисмида, Курск ерларида, кейин Днепрни кечиб ўтишда, Украина ва Польшани озод қилишда, Берлинни қўлга олишда совет кишисига хос матонат ва жасорат кўрсатган. Шунингдек, Чехословакияни немис-фашистларидан тозалашда ҳам актив иштирок этган. Кўксини иккита Қизил Юлдуз ва биринчи даражали Ватан урушн орденлари ҳамда кўплаб медаллар безаб турибди.

Бугунги доруломон кунлар Шерали акага роппа-роса қирқ йил муқаддам армон эди. Орзулари ушалган жангчи эндиликда Тошкентдаги «Октябрь 50 йиллиги» номли 3-автокомбинатнинг илғор шофёри, социалистик мусобақа пешқадами. Ишчанлиги ва камтарлиги билан касбдошларининг ҳурмат ва муҳаббатини қозонган мураббий. Халқимизнинг фаровонлигини юксалтиришда сидқидилдан меҳнат қилаётган инсон. У ўзининг оталарча ғамхўрлиги ва ёрдами ва қимматли маслаҳатлари билан ёшларнинг қалбидан ҳам муносиб жой олган. Автокомбинатдаги ўнлаб моҳир шофёрлар Шерали Бийтурсуновнинг шогирдлари ҳисобланади.

Н. ОЧИЛОВ,
А. РАЗЗОҚОВ.



• Меҳнатинг—зийнатинг

ҚАҲРАМОН ОНА—ЗИЁ ТАРҚАТУВЧИ

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов районидаги 69-алоқа бўлимида хизмат қилувчи Сокина Ҳайдарованн фақат алоқа бўлимидагилар эмас, балки Охунбобоев номли маҳалла аҳолиси ҳам ҳурмат қилади.

Йил бошида ишим тушиб, шу алоқа бўлимига боргандим. Мудир Турсун Назаров почтальонларни ўз хонасига йиғиб, алоқа бўлимига келган бир шикоятни муҳокама қилаётган экан. Шу муҳокама пайтида почтальонликда 20 йиллик тажрибага эга бўлган Сокина опа ёшларга ўз тажрибаси ҳақида сўзлаб берди. Албатта тажрибали алоқа ходимининг ёшларга ибрат кўрсатиши, маслаҳатлари ижобий натижалар беряпти.

Алоқа бўлимида ишлаш анча оғир, аммо шарафли касб. Чунки, ҳар бир хонадон бирор кишисидан хат келишини, пенсионерлар пул келишини, айниқса, газетхонлар кундалик янгиликларни ошиқиб кутишади. Кишиларнинг бундай истакларини почтальонларгина амалга оширади. Зеро, ҳар бир телеграмма, хат, газета-журналлар ўз вақтида етказилиб берилиши керак.

— Сокина опадан ғоят миннатдормиз, — дейди маҳаллада истиқомат қилувчи республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Васила Ҳўжаева. Обуна бўлган газета, журналларимизни ўз вақтида тўлиқ оламиз.

Сокина опа умр йўлдоши Султон ака Ҳайдаров билан тотув турмуш кечириб ўн фарзандининг онаси бўлди. Қаҳрамон она барча фарзандларини замонамизнинг муносиб кишилари қилиб тарбияламоқда.

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ.

МУРАББИЙЧИЛИК ҲАРАКАТИГА — КЕНГ ЙЎЛ

Қурувчилар маскани

Шаҳримиздаги 12-ўрта ҳунар-техника билим юртини ана шундай деб аташади. Дарҳақиқат, ҳунар-техника билим юрти ташкил этилгандан буён пойтахтдаги қурилиш ташкилотлари учун кўплаб малакали кадрлар етказиб бермоқда. Мазкур билим юртида ёшларга қурувчилик касблари ўргатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўз касбининг устаси бўлган малакали педагог-кадрлар бунёдкорлар учун муносиб ўринбосарлар тайёрлашмоқда. Ҳунар масканида ёшлар дурадгорлик, бўёқчилик, газ, электр пайвандчилик, ганчкорлик каби қурувчилик касбларини эгаллаш билан бирга, бир йўла ўрта-техник маълумотга эга бўлмоқдалар.

Бу ерда кўп йилларлан буён Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Рихситилла Ҳусанов меҳнат қилиб келади. Ҳозир у пенсияда. Аммо қадрдон даргоҳдан кетгиси келмади. У бутун куч ва маҳоратини, билимини ёшларга қунт билан ўргатишга, уларнинг коммунизм бунёдкорлари қилиб тарбиялашга бахш этмоқда. Мана бир неча йилдирки, қалб кўрини тўкиб, ёшларга мураббийчилик қилиб келмоқда. Уни фақат бу ерда эмас, балки шаҳарнинг бошқа ҳунар-техника билим юртларида ҳам кўриш мумкин. У тез-тез ёшлар ўртасида бўлиб, уларга қурувчилик касби ҳақида ҳикоя қилиб беради. Уларда меҳнатга, касбга меҳр уйғотади. Зотан, унинг босиб ўтган меҳнат йўли ҳам ёшлар учун ғоят ибратлидир.

Ўтган йиллар мобайнида Рихситилла Ҳусанов бу билим юртини оёққа турғазишга жуда катта ҳисса қўшди. Бу ерда ёшларнинг бунёдкорлик касбини пухта эгаллашлари учун барча шарт-шароитларни яратишга кўмаклашди. Ҳозирда шаҳарда энг намунали ҳунар масканларидан бири бўлмиш бу билим юртида юзлаб ёш малакали ишчи ўринбосарлари тайёрланмоқда. Шахсан Рихситилла Ҳусановнинг шогирдлари мингдан ошиб кетади. Улар ҳозирда шаҳар қурилишларида баракали меҳнат қилишиб, ўз устозининг ишончини оқламоқдалар, Ўзбекистон пойтахтини янада гўзал қилишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

П. СИЛИН,
жамоатчи мухбир.

● ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ ● ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР — ҲАЁТИМИЗ ЗИЙНАТИ ● «ҚУРИЛИҚЧИ» МИКРОРАЙОНИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ? ● ОЗОДАГАРЧИЛИККА ЭЪТИБОР ШУМИ?

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

тошкент оқшоми
хатлар



Ўзбекистон ССР Мaориф министрлигига қарашли стенографчилар ва машинкада ёзадиганлар тайёрлаш республика курси малакали мутахассисларга йўлланма бермоқда. Бугунги кунда республикамиздаги бир қатор корхона ва муассасаларда мазкур курсни тугаллаганлар фидокорона меҳнат қилишяпти. Узнинг ярим асрлик юбилейини нишонлаётган республика курси бундан кейин ҳам малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бераётир.

СУРАТДА: курс ўқитувчилари — Ўзбекистон ССР Халқ маорифи аълочиси Муҳаббат Иброҳимова ва СССР халқ маорифи аълочиси Мунира Собировалар курс тингловчилари билан амалий машғулот ўтказмоқда.

С. Маҳкамов фотоси.

Совет турмуш тарзи

АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

Ю. Гагарин номидаги тўқимачилар маданият саройида стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Алексей Стаханов бир сменада ўн тўрт норма —102 тонна кўмир қазиб жуда катта меҳнат жасоратини кўрсатган эди. Унинг меҳнатдаги ғайрат-шижоати ўша кезларда Тошкентда ҳам қизғин қўллаб-қувватланган.

Тошкент тўқимачилик комбинатида 1935 йил 2 октябрда стахановчилик ҳаракати қизғин бошланиб яхши самараларини берган эди. Ўша кезларда стахановчасига меҳнат қилган Мадина Сантова, Хадича Солиҳўжаева, Ольга Туровская, Салима Машрапова ва бошқалар бугунги кунда мана шу тантанали маросимга келиб, ёш авлодга ўша меҳнат жасорати ҳақида ҳаяжон билан ҳикоя қилиб бердилар.

Маросим ўтаётган зал саҳнаси Уроқ ва Болға, пахта чаноғи билан чиройли безакланган. Бу ерда стахановчилик ҳаракатининг икки авлоди учрашди.

Гуллар, қутловлар, жўшқин хотиралар. Таниқли тўқимачилар Шоира Тошматова, Валентина Эргашева, Зинаида Городецкая, Евгения Губина, Каромат Еқуббоева, Мария Чекмазова, Тамара Собитова, мастер ёрдамчилари Сирожиддин Пўлатов, Вадим Коросталев, Турғун Абдурамонов ва бошқа кўплаб ишчилар шаҳримизнинг ҳозирги чинакам стахановчиларидир. Улар шу кунларда 1987—1989 йиллар ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

М. ПУЛАТОВ.

• Тошкент харитаси олдида

ЯНГИ МИКРОРАЙОН

Сергели районидаги Қўйлиқ массиви йилдан-йилга кенгайиб, гўзаллашиб бормоқда. Яқинда бу ерда навбатдаги «Қўйлиқ —6» янги микрорайони қуриб битказилган эди. «Ташгипрогор» институти меъморлари эса массивни кенгайтириш борасида иш олиб боришяпти. Мазкур институтга қарашли 3-устахонанинг Т. Тошмуҳамедов бошлиқ архитекторлар шу кунларда «Қўйлиқ — 7» микрорайони лойиҳасини яратмоқдалар.

Лойиҳага асосан бу ерда 9, 12, 16 қаватли уйлар қурилади.

Лойиҳа авторлари —В. Спивак, Т. Тошмуҳамедов, Е. Ефимов, Е. Комский, А. Лейзерович ва А. Саакянлар лойиҳани яратишаётганларида янги микрорайонни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор берганлар. Айниқса, бу ерда мевали дарахтларни кўпроқ экишга аҳамият берилади. «Қўйлиқ — 7» микрорайонида экиладиган мевали дарахтлар кўчатлар умумий ҳажмининг 40 процентини ташкил этади.

Янги микрорайон қурилиши 1986 йилда бошлаб юборилади.

СУРАТДА: 3-устахона мутахассислари — устахона раҳбари Т. Тошмуҳамедов, конструктор Е. Ефимов, архитектор А. Лейзерович, конструктор Е. Комский ва архитектор А. Саакянлар «Қўйлиқ—7» микрорайони макети устида фикрлашмоқдалар.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

АКС САДО

Мунозарани газетхонлар давом эттиришади

«МАШИНАНИ ҚАНДАЙ НОМЛАГАН БЎЛАРДИНГИЗ, ОҚШОМХОНЛАР?»

«Тошкент оқшомн»нинг шу йил 16 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида Устинов шаҳридаги «Ижмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида яратилган «Иж—2126» маркали янги моделдаги енгил автомобиль тўғрисида ахборот ва унинг сурати берилганди. Ахборот сўнггида янги автомобилнинг ҳали номи йўқлиги маълум қилиниб, газетхонлардан шу хусусдаги ўз таклифларини маълум қилишлари сўралганди. Шу муносабат билан редакциямиз ҳурматли газетхонлардан қўплаб мактублар олляпти. Қуйида биз уларнинг бир қисмини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

«Иж—2126» маркали енгил автомобиль доҳиймиз Владимир Ильич Ленининнинг 115 йиллик юбилейи йилида яратилганлиги мени жуда мамнун этди. Шу сабабли мен янги машина «ВИЛ —115» деб аталишини истардим.

Т. МУҲАМЕДОВ.

●

«Иж—2126» маркали янги автомобиль менга жуда ёқди. Одатда яхши нарсанинг номи ҳам чиройли бўлиши керак. Мен қуйидагича таклиф киритаман: қалдирғоч қушларнинг энг гўзалларидан саналади. Унинг одамларга тегадиган нафи ҳам катта. Мен янги автомобилга «Ласточка» [«Қалдирғоч»] деб ном қўйилишини таклиф этаман. Бу ном унга ҳар томонлама муносибдир.

У. НОРМАТОВ.

●

«Машинани қандай номлаган бўлардингиз, оқшомхонлар!» сарлавҳали мақоланн бутун онла аъзоларимиз билан қизиқиб ўқиб чиқдик. «Иж — 2126» маркали янги автомобилнинг қулайликлари, техник характеристикаларн билан танишиб, бизда у автомобилларнинг юлдузи экан, деган фикр пайдо бўлди. Шунинг учун биз бу автомобилга «Звезда» деб ном қўйишни лозим топдик.

АЗАМАТОВлар оиласи.

●

«Иж—2126» маркали автомобиль 1985 йилда яратилди. Бу йил эса Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ёшлар йили деб эълон қилинган. Менимча янги машинани «Молодость — 85» деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Т. КАРИМЖОНОВА.

●

Газетанинг шу йил 16 февраль сонида босилган «Машинани қандай номлаган бўлардингиз, оқшомхонлар!» сарлавҳали мақолада мамлакатимиз автомобиль саноатининг янги маҳсулоти ҳақида батафсил маълумот берилган.

1985 йилда мамлакатимиз халқлари немис-фашист босқинчилари устидан қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини байрам қиладилар. Мана шу улуғ байрам арафасида янги машина яратилибди. Табиийки, кишн назарида у ўз номи билан дунёга келгандек туюлади. Бизнингча, янги автомобилнн «Победа—40» деб номлаш маъқул бўлади. Келгусида унинг такомиллашган моделлари ишлаб чиқарилса «Победа—41», «Победа— 45», «Победа —50» деб номлайвериш мумкин. Шундай қилиб, у Буюк Ғалабамизни совет кишиларн ёдига солиб турадиган севимли автомобилга айланиб қолишини истардик.

ПЎЛАТОВлар оиласи.

РЕДАКЦИЯДАН: «Ижмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида яратилган «Иж —2126» маркали янги моделдаги енгил автомобилга ном қўйиш хусусида газетхонлар Х. Хуррамов, М. Юсупов, Л. Ҳасанов, М. Неъматова, Э. Маҳматов, И. Ҳасанов, М. Акромхўжаева, Х. Назаров, А. Тешабоев ва бошқа кўплаб ўртоқлардан ҳам мактублар олдик. Редакция ўз таклифларини йўллаган оқшомхонларга катта миннатдорчилик билдиради.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

ҚИЗҒИН ТАРАДДУД

Октябрь революциясн номли тепловоз ремонти заводи коллективи ленинча шанбаликка пухта тараддуд кўрмоқда. Корхонада бир қатор меҳнат илғорлари борки, улар ўзларн меҳнат қила, ётган участкаларда ҳамкасбларнни шанбаликда шижоат билан меҳнат қилишга даъват этмоқдалар. Электр машина цехининг мастерн Л. Абрамов, тепловоз цехи слесарн Т. Солиҳов, чўян қуйиш цехи техника бюроси бошлиғи А. Юсупов, ремонт-комплектлаш цехи мастерн Э. Тоймметов шулар жумласидандир.

Шанбаликда бутун корхона бўйича битта тепловоз секцияси, олтита тортиш электродвигателн, икки минг дона тормоз колодкаси тайёрланади, 15 тонна пўлат, 1 тонна рангли металл қуйилади, 500 сўмлик истеъмол буюмларн ишлаб чиқарилади. Ўша кунн корхона бўйича барча меҳнат 72 минг сўмни ташкил этади. Тепловозсозлар шанбаликда ишланган меҳнат ҳақи— 4 минг сўм пулни беш йиллик фондига ўтказадилар.

Д. МАЖИДХЎЖАЕВА.

... МАҚТАЙДИ ...

ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ

Юнусобод массивидаги 4-кварталда жойлашган 28, 19, 25, 26, 115, 35-уйларда истиқомат қилувчилар 193-алоқа бўлими ходими Лидия Фёдоровна Громова хизматидан мамнун. Обуначилар ҳар куни эрталаб соат 7 да, кундузи 12—12.30 ва кечқурун 18—19 да газета ва журналларнинг олиншиб почтальон хизматидан хурсанд бўлишмоқда.

Биз Лидия Фёдоровнадан ишингиз кўпми, ҳар доим шошилиб юрасиз, деб сўраганимизда у куйлб: «11 корхона ва 16 уйга почта тарқатишим керак. Участкамда Улуғ Ватан урушн нногалидлари, меҳнат ветеранлари ва оғир касаллик туфайли уйда ўтирган кишилар бор. Улар менинг келишимни интизорлик билан кутишади. Шунинг учун ҳам тез ҳаракат қилишга тўғри келади», дейди.

Баъзан ўз ишига масъулиятсизлик билан қарайдиган почта ходимлари ҳақида шикоят эшитамиз. Улар бизнинг Лидия опамиздан ибрат олишса арзийди.

Э. АВАЗОВ.

...танқид қилади

ҚИШДА ЛОЙ, ЁЗДА ЧАНГ

Чилонзордаги Дўмбиробод маҳалласининг 2, 3-Саноат проездидагилар қишда лой кечишадн, ёзда чанг ютишади. Сабабн кўчага кирнш билан 200 метр юрилса машина эмас, одам ҳам лойга ботиб қолади. Кўчада йўлкалар йўқ.

Биз Чилонзор район ободонлаштирнш бошқармасига бу ҳақда шикоят қилдик. У ердан келган кишилар эса «Биз шаҳар ободонлаштирнш Бош бошқармасига кўчанинг ҳамма ернга асфальт ётқизилди деб маълумот берганмиз. Энди маблағимиз йўқ» дейишди.

Хўш, ободонлаштирнш бошқармаси берган нотўғри маълумот учун ҳам аҳолн қийналнши керакми! Кўчамизга қачон асфальт ётқизиладн!

А. ҲАМИДОВ, М. МЎМИНОВ, А. ЮСУПОВ, К. ҚАЮМОВ, Х. АЗИЗОВ ва бошқалар.

• Турли касб эгалари

ҲАЙДОВЧИ

28-маршрутда қатновчи трамвайга чиққанмисиз? Чиққан бўлсангиз, ҳушмуомала ҳайдовчининг овозини кўп бор эшитгандирсиз:

— Йўловчи ўртоқлар, ҳозир Санъат музейи бекатига келдингиз, кейингиси «Коммунарлар» хиёбони, —деган ёқимли овоз эшитилади.

Анвар Мирзажонов ўн йилдирки, Тошкент трамвай-троллей б у с бошқармасига қарашли 3-трамвай депосида ишлаб келмоқда. Шу вақт ичида йўловчилар ҳурматини қозонди.

— Кунига 300— 330 километр йўл босилади, —дейди у биз билан суҳбатда, — бу 5—6 минг йўловчини ўз манзилига элтиб қўйиш демакдир.

Анвар Мирзажонов ҳам ўз касбини севади. Бошқараётган трамвайининг бенуқсон юришини таъминлайди. Узига ўхшаш меҳнатсевар шогирдлар етиштиришга эътибор беради. Шунинг учун ҳам унинг номини 3-трамвай депосида ҳурмат билан тилга олишади.

И. РУСТАМОВ.

ФАКТЛАРНИ РАССОМ ШАРҲЛАЙДИ

● Ҳар куни бир коса сут ичган кишн юз йил яшайдн, деган гапнн эшитгандирсиз. Бу гапни гвардия полковнигн Хўжаев кўчасида яшовчи оналар ҳам эшитиб қолишибдн. Шу гап рост ёкн йўқлигнни болаларда синаб кўрмоқчи бўлишибдн. Ҳар куни магазинга чиқиб сут оладиган бўлишибдн. Лекин тажрибалари ярми йўлда тўхтаб қолибдн. Чунки, сут ҳар куни магазинга олиб келинмайдиган бўлиб қолибдн... Ҳозирча, тажрибанинг келгуси муваффақиятн райпнщчеторг раҳбарларн кўрадиган чорага боғлиқ бўлиб қолди.

● Кўп ўтмай сарв қоматнни кўзкўз қилиб турган телеминорапнинг томошагоҳ қаватига одамлар чиқишади. Шунда улар шаҳримизнинг жамолига назар ташлаганларида «Ташхлебторг»га қарашли 72 ва Кнров райпнщчеторгига қарашли 42-озиқ-овқат магазинларн ёнидаги ахлат уюмларига ҳам кўз қирларн тушса ажаб эмас.. Зора, минорага Кнров райони «Автодормехбаза»сн раҳбарларн ҳам чиқишса-ю чиқиндиларнн йўқотишнн ўйлаб кўришса.



— Нега сут қуйиб кетмайсан!
— Кафтингиз қуруқ экан.

Бирн етмиш иккн, ёнида қирқ иккн. Атрофн чиқиндига тўлиб кетдн. Расмларнн Ўзбекистон ССР халқ рассомн Лутфулла АБДУЛЛАЕВ чизган.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«ГЎРЎҒЛИНИНГ «ЭКСПРЕСС» ТРОЛЛЕЙБУСЛАРГА ДЕГАНЛАРИ»

Газетанинг шу йил 30 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган шеърий луқмага 2-трамвай, 1-троллейбус ва «Красновосточное» деполарндан жавоб олиндн. Қуйида уларнн эътиборингизга ҳавола этамиз.

«Мазкур танқиднй мақола 2-трамвай депосн ҳайдовчнларн ва ходимларн орасида жиддий муҳокама қилиндн. Асосий эътибор пассажирларга намунали хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилдн. Хусусан, иш давомида ҳар бнр бекатда тўхтаб ўтиш, маршрутдагн барча бекатларнинг номини йўловчиларга эълон қилиб борилишини қатъий йўлга қўйиш уқтирилди.

Маршрутлар бошлиқларига ҳайдовчилар иш фаолиятини мунтазам назорат қилиб бориш топширилди».

В. ГОЛОВЧЕНКО,
2-трамвай депосн бошлиғи.

* * *

«Тошкент оқшомн» газетасининг шу йил 30 январь сонида босилган юқоридаги танқидий мақола 1-троллейбус депосн ҳайдовчилар составининг умумий мажлисида муҳокама қилинди.

Айни кунда камчиликларни бартараф этиш борасида текшириш рейдлари ўтказилмоқда. Ҳайдовчилар составн ўз хизмат вазифаларига тўла амал қилишларн назоратга олинган.

Хизмат вазифасига со вуққонлик билан муносабатда бўлаётганларга қарши маъмурнй ва жамоат чоралари кўрилмоқда.»

П. ДМИТРИЕВ,
1-троллейбус депосн бошлиғи.

* * *

«Танқидий мақолада кўрсатилган пассажирларга хизмат кўрсатиш борасидаги нуқсонлар «Красновосточное» депосига қарашли троллейбус ҳайдовчиларн орасида ҳам рўй берган. Юқорида таъкидланган камчиликларни бартараф этиш учун жамоатчилик кучи билан партбюро, профком, комсомол ташкилотлари, шунингдек, ўртоқлик судн орқали депода тарбиявий ишлар олиб борилмоқда.

Депода ҳайдовчиларга иш ҳақи тўлашда янги усул қўлланилмоқда. Унда пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятн талаб даражасида бўлмаган, йўловчиларнн сарсон қилиб қўяётган, тегишли бекатларда тўхтамай ўтадиган ҳайдовчиларнн мукофот пулидан маҳрум қилиш кўзда тутилган. Маршрут бошлиқлари, ўқувчилар 193-алоқа бўлими ходими Лидия Фёдоровна Громова хизматидан мамнун. Обуначилар ҳар куни эрталаб соат 7 да, кундузи 12—12.30 ва кечқурун 18—19 да газета ва журналларнинг олиншиб почтальон хизматидан хурсанд бўлишмоқда.

Биз Лидия Фёдоровнадан ишингиз кўпми, ҳар доим шошилиб юрасиз, деб сўраганимизда у куйлб: «11 корхона ва 16 уйга почта тарқатишим керак. Участкамда Улуғ Ватан урушн нногалидлари, меҳнат ветеранлари ва оғир касаллик туфайли уйда ўтирган кишилар бор. Улар менинг келишимни интизорлик билан кутишади. Шунинг учун ҳам тез ҳаракат қилишга тўғри келади», дейди.

Баъзан ўз ишига масъулиятсизлик билан қарайдиган почта ходимлари ҳақида шикоят эшитамиз. Улар бизнинг Лидия опамиздан ибрат олишса арзийди.

Э. АВАЗОВ.

...танқид қилади

ҚИШДА ЛОЙ, ЁЗДА ЧАНГ

Чилонзордаги Дўмбиробод маҳалласининг 2, 3-Саноат проездидагилар қишда лой кечишадн, ёзда чанг ютишади. Сабабн кўчага кирнш билан 200 метр юрилса машина эмас, одам ҳам лойга ботиб қолади. Кўчада йўлкалар йўқ.

Биз Чилонзор район ободонлаштирнш бошқармасига бу ҳақда шикоят қилдик. У ердан келган кишилар эса «Биз шаҳар ободонлаштирнш Бош бошқармасига кўчанинг ҳамма ернга асфальт ётқизилди деб маълумот берганмиз. Энди маблағимиз йўқ» дейишди.

Хўш, ободонлаштирнш бошқармаси берган нотўғри маълумот учун ҳам аҳолн қийналнши керакми! Кўчамизга қачон асфальт ётқизиладн!

А. ҲАМИДОВ, М. МЎМИНОВ, А. ЮСУПОВ, К. ҚАЮМОВ, Х. АЗИЗОВ ва бошқалар.

Бугун — Космонавтика куни

ҚОРАҚУМ МАНЗАРАСИ

Марказий Қорақумда Қақа посёлкасидан шимолда пармаланган яна битта қудуқ газ бера бошлади. Геологлар чўлда шу газ конини топишларига ер сунъий йўлдошларидан олинган ахборот ёрдам берди.

— Билмаган кишига ер юзининг космосдан олинган сурати унча кўп нарсани билдирмайди, — деди Туркманистон геологик экспедицияси аэрокосмогеологик партиясининг бошлиғи А. Езнашвили. — Мутахассислар эса ўт-ўлан ва бута босган каттакон лой жойлар чўлда ер ости конлари борлигининг ифодаси эканлигини биладилар. Орбитадан олинган фотосуратларда бундай жойлар бир мунча қоронғи бўлиб туради. Айни шу жойлар ер пўстлоғининг чуқурлигида узилишлар борлиги ва улар табиий нам тўпламлари вазифасини адо этишидан далолат беради. Шу зоналарда тупроқ бир мунча юмшоқ бўлиб, ёмғир суви ва сизот сувни яхши сингитади, аммо шундай пана ёриқларни космосдан олинган суратлар ёрдами билангина тезроқ пайқаш мумкин. Шундай жойлар яқинида нефть, газ, сув тез-тез топилиб туради.

Туркманистон аэрокосмогеологлари Қорақум территориясидаги узилишларнинг жойлашишига қараб фойдали қазилмаларни излаб топмоқдалар.

А. РИБАКОВ.

Фазога йўл очган инсон









Мана сал кам чорак асрдирки, 12 апрель Космонавтика куни сифатида нишонланмоқда. Инсониятнинг коинотга биринчи парвози советлар мамлакатининг улуғ граждани Юрий Алексеевич Гагариннинг номи билан боғлиқ. Эндиликда ўнлаб фазогирлар олис фазодаги космик парвозларда инсоният келажаги учун зарур бўлган жуда катта илмий ақамиятга молик кашфиётлар яратишмоқда. Фан ва техника космик парвозлар туфайли мислсиз ютуқларни қўлга киритди.

Мамлакатимизда Юрий Гагариннинг улуғ номи кириб бормаган бирор хонадон йўқ. У ҳаётлигида жуда кўплаб шаҳар ва қишлоқлар, чет мамлакатларнинг фахрли меҳмони бўлган, катта олқишлар билан кутиб олинган эди. Эндиликда Гагарин бошлаб берган космик парвоз анъанаси жасур фазогирларимиз томонидан давом эттирилмоқда.

СУРАТЛАРДА: Юрий Алексеевич Гагарин; биринчи фазокор чет мамлакатларда; Жиззах областининг Гагарин шаҳрида ўрнатилган биринчи космонавт ҳайкали; Юрий Алексеевич Гагарин ўзи севиб тинглайдиган қўшиқлар ёзилган магнит ленталарини кўздан кечирмоқда. (Архив суратларидан).

ПАРВОЗ ШУНДАЙ БОШЛАНГАН ЭДИ

...Космик парвоз учун мўлжалланган кийимлар ва жиҳозлар билан тайёрланиш палласи етиб келди. Ҳаворанг иссиқ, майин ва юмшоқ комбинизонни кийдим. Шундан сўнг ўртоқларим менга ярқироқ тўқ сариқ рангдаги ҳимояловчи скафандерни кийдира бошлашди. Ў кема кабинаси герметиклиги бузилган тақдирда ҳам иш қобилиятини сақлаб қолишни таъминларди. Шу ернинг ўзидаёқ скафандердаги барча приборлар ва аппаратуралар текшириб кўрилди. Бу жараён бир қадар кўпроқ вақтни олди. Мен бошимга шлемофонни кийдим. Унинг юқорисидаги герметик бош кийим — яъни гермошлемда «СССР» сўзлари йирик ҳарфлар билан акс этган эди...

Мен Давлат комиссиясининг раиси ҳузурига келиб:

— Учувчи, катта лейтенант Гагарин «Восток» кемасида биринчи космик парвозга тайёр! — дедим.

— Оқ йўл! Муваффақият тилаймиз! — деб жавоб берди у ва қўлимни қаттиқ сиқди. Унинг овози кучсизроқ, аммо қувноқ ва илиқ, худди отамнинг овозига ўхшарди.

Мен мисли кўрилмаган парвозга олиб чиқувчи ракетага назар солдим. У жуда чиройли, локомотивлар, пароходлар, самолётлар, саройлар ва кўприклар, уларнинг ҳаммаси биргаликда олинганда ҳам улардан гўзалроқ эди. Мен шу топда бу гўзаллик барча мамлакатларнинг одамларига барча даврлар учун мангу бўлиб қолиши ҳақида ўйладим. Кўз олдимда фақат ажойиб техник ижод намунасигина эмас, ҳайрат уйғотувчи санъат асари турарди.

Кема кабинасига қўтарилишдан олдин мен матбуот ва радио учун интервью бердим...

— Қадрли дўстлар, яқин ва нотаниш кишилар, ватандошлар, барча мамлакатлар ва қитъаларнинг одамлари! — дедим мен.— Яна бир неча дақиқадан сўнг қудратли космик кема мени Коинотнинг олис сарҳадларига олиб учади. Сизларга, парвоз олдидаги ана шу сўнгги дақиқаларда нима ҳам дейиш мумкин? Ҳозир бутун ҳаётим менга бир ажойиб лаҳзадек бўлиб туюляпти...

Космик парвозга йўл олаётиб, мен, бахтиёрманми? Албатта, бахтлиман. Ахир инсон учун барча даврлар ва замонларда янги кашфиётларда иштирок этиш олий бахт бўлиб келган...

Мен ушбу биринчи космик парвозни бизнинг халқимиз қадам қўяётган ва ер юзидаги барча халқлар ҳам қадам қўйишига ишончим комил бўлган жамият — коммунизм одамларига бағишлагим келади.

Мен бош конструкторнинг соатига назар солганини пайқаб қолдим. Суҳбатни ниҳоялаш пайти бўлган эди.

— Ҳозир стартгача саноқли дақиқалар қолди,— дедим мен,— мен сизларга олисга йўл олаётганда дўстлар бир-бирига одатда айтадиган сўзлар билан қўришгунча хайр, азиз дўстлар, дейман. Шу топда ҳаммангизни, таниш ва нотаниш, узоқ ва яқин барчангизни қучгим келади!

Кабинага кираверишдаги темир майдончада туриб ўртоқларим билан, ерда қолаётганлар билан хайрлашар эканман мен хурсандчилик билан иккала қўлимни ҳам кўтардимда шундай дедим:

— Тез учрашгунча хайр!

Юрий ГАГАРИНнинг
«Космосга йўл» китобидан.

ОКЕАН—КОСМОС—ЕР

Ил—18Д самолёти ер сунъий йўлдошлари орқали алоқани таъминловчи аппаратларни Антарктидаги совет «Молодёжний» станциясига келтирди. Бутуниттифоқ «Морсвязьспутник» бирлашмасида ТАСС мухбирига маълум қилишларича, яқин кунларда космик радионўприк ишга тушиб, олтинчи қитъа билан янада пухта ва чаққон алоқа боғлаш омили бўлиб қолади.

— Ер сунъий йўлдошлари орқали алоқа боғланадиган янги станция халқаро ҳукуматлараро ва коммерция ташкилоти «Инмарсат» доирасида тузилган бўлиб, унга қирқтадан кўп мамлакат, шу жумладан Совет Иттифоқи киради, — деди бирлашма раиси Ю. Ацеров. — Ифодали қилиб айтсак, «Молодёжная» яна битта кема бўлиб қолиб, бугунги кунда йўлдош алоқа станциялари билан таъминланган уч ярим мингта денгиз кемалари рўйхатига қўшилди. Ер сунъий йўлдошлари ва қирғоқ алоқа марказларини ўз ичига олувчи «Инмарсат» системаси ишга тушганидан бери ўтган уч йил ичида ғоятда самарали эканлигини кўрсатди. Бу система муттасил кенгайиб бормоқда. Яқинда Одессада халқаро алоқа йўлдоши маркази ишга туширилиб юборилди. Ҳозир шу марказ билан ҳар куни юзлаб кемалар радио-алоқа боғлаб турибди. Келаси йил бошларида Находка шаҳрида ҳам шундай марказ тўла қувват билан ишлай бошлайди.

Эндиликда системага «Уланган» теплоход капитани пароход бошқармаси билан, дунёнинг ҳар қандай порти билан, ниҳоят қайси шаҳарда яшашидан қатъий назар ўз оиласи билан боғланмоғи учун атиги бир неча секунд кифоя қилади. Космик телефон ердаги кабель орқали боғланадиган алоқа сингари пишиқпухтадир, деб таъкидлади Ю. Ацеров, у кемани бошқариш юзасидан тезда қарор қабул қилишда ёрдам беради ва бунинг натижасида ҳар бир кема йилига қўшимча неча ўн минг сўмлаб фойда келтира олади.

Ҳозир совет савдо флотининг 50 тадан кўп кемаси ер сунъий йўлдошлари орқали алоқа станциялари билан таъминланган. Келаси йили бундай кемалар 200 тага етади, 1990 йилга бориб эса дунё океанининг ҳамма районларида Совет Иттифоқи байроғини тикиб ишлайдиган саккиз юзта кема космик телефондан фойдалана олади.

В. ОВЧАРОВ.

• Шу куннинг интервьюси

Самарали халқаро ҳамкорлик

Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзи биносида «Болгария Халқ Республикаси медицина, ветеринария, дори-дармонлар, парфюмерия, косметика ва тиш тозалаш пасталари» кўргазмаси очилди. Журналистлар, радио ва телевидение ходимлари учун бўлган матбуот конференциясида Болгариядан келган мутахассислар кейинги йилларда «Фармахим» ишлаб чиқариш бирлашмаси эришаётган ютуқлар ҳақида гапириб бердилар.

— Болгария корхоналари ярим асрдан ортиқ вақтдан буён турли дори-дармонлар, косметика буюмларини ишлаб чиқармоқда, — дейди «Фармахим» бирлашмаси бош директорининг ўринбосари Стефан Попов. — 22 завод ва комбинатдан иборат бўлган бирлашма маҳсулотлари кўпчиликка манзур бўлмоқда. Ҳозирги пайтда бирлашма жаҳоннинг 85 мамлакати, шу жумладан Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларга маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Совет Иттифоқи, ГДР, Америка, Швейцария, Франция ва бошқа кўплаб мамлакатлар йирик буюртмачиларимиз ҳисобланади.

— **Ўртоқ Стефан Попов, ана шу маҳсулотларнинг турлари ва номлари ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Маҳсулотларимизнинг номларини бирма-бир санаб чиқиш қийин. Энг муҳими, улар сифатли дори-дармонлар эканлигини уқдириб ўта оламан. Биз кўпгина маҳсулотларимизни сизнинг мамлакатингиздаги илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда тайёрлаётирмиз. Масалан, антибиотиклар шулар жумласидан ҳисобланади. Кейинги пайтда маҳсулотларимизни Совет Иттифоқига экспорт қилиш ва совет мутахассислари билан алоқаларимиз кенгайди.

Тошкентликлар бирлашмамизда тайёрланаётган болалар ва катталар учун мўлжалланган «Слава», «Альфа», «Зефир», «Арлекино» тиш тозалаш пасталарини яхши билишади. Ҳозир мамлакатингизга ҳар йили кўплаб бундай пасталарни етказиб бераётирмиз. Албатта косметика маҳсулотлари ҳам шуҳрат қозонмоқда. Биз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар 70 хил номдаги атирлар, кремлар, шампунлар, косметика воситалари ва крем-бўёқлардир.

— **Бирлашма маҳсулотлари халқаро кўрик ва ярмаркаларнинг мукофотларига ҳам сазовор бўлганми?**

— Албатта. Ҳар йили маҳсулотларимиз халқаро кўрик ва ярмаркаларда медаллар билан тақдирланади. Яқиндагина биз олий сифатли маҳсулотларимиз учун Мадрид кўригининг олий мукофотини олишга сазовор бўлдик. Ўтган йили ҳам шундай ютуқни қўлга киритган эдик. Бундан ташқари, «Олтин Меркурий» мукофотини ҳам олганмиз. Жаҳондаги косметика буюмларини ишлаб чиқараётган 60 дан ортиқ фирма иштирок этган Париждаги кўрикда иккинчи ўринни олдик. Бундан ташқари, Пловдив халқаро ярмаркасининг доимий совриндоримиз. Кўпгина мамлакатлардаги харидорлар маҳсулотларимизни катта қизиқиш билан сотиб олишар экан, мутахассисларимиз бунга жавобан янги-янги моллар ишлаб чиқариш устида қизғин ижодий иш олиб борадилар. Масалан, Москвада бўладиган XII халқаро ёшлар ва студентлар фестивали учун «Диско» косметика пардоз буюмларини тайёрладик. Биз сизнинг меҳмондўст шаҳрингизга кўргазма экспонатлари билан иккинчи бор ташриф буюрдик. Маҳсулотларимизни Ўзбекистон пойтахтида намойиш этиб бўлганимиздан кейин Рига шаҳрида ҳам тадбирлар ўтказамиз.

Биз бу йил Совет Иттифоқига 150 номдаги маҳсулотларимизни етказиб берамиз.

ЯНГИ ПРЕПАРАТ

Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтида пахтазорларга ғўза қурти ва бошқа қишлоқ хўжалик зараркунандаларига ишлов бериш учун мўлжалланган перетроидлар группасидан бўлган янги препаратларни синаб кўриш ниҳоясига етди. Бундай препаратлар ўзидан олдингиларига қараганда заҳарли моддаси кам бўлиб, оз миқдорда ишлатилади, бу эса фойдали ҳашаротлар учун деярли зарарсиздир.

Бундай синтетик маҳсулот мойчечакдан олинадиган табиий маҳсулотга ўхшаш эканлиги диққатга сазовордир. Олимлар бундай маҳсулот формасини белгилашга ва уни сунъий йўл билан яратишга муваффақ бўлдилар. Эндиликда далаларни ҳимоя қилишнинг самарали воситаларини кенг кўламда қўллаш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

● СТЕНОГРАФИЯ МУЗЕЙИ

Дрезденда (ГДР) ғайри-табиий бўлган стенография музейи жойлашган. Музейга ташриф буюрганлар тез ёзишнинг уч мингдан зиёд турли-туман системаси билан танишишлари мумкин. Музей экспозицияларида орасида жаҳоннинг 50 тилида бажарилган кўплаб стенографик ёзувлар бор. Бу ерга келган кишиларда қадимги Рим сенатида сўзланган нутқ стенограммаси айниқса қизиқиш уйғотиши турган гап. Эрамизгача бўлган 63 йил унга сана сифатида қайд этилган. Яқинда музейнинг илмий группаси Эйнштейннинг Жанубий-Шарқий Осиё бўйлаб қилган сафари чоғидаги ёзувларни мазмунини тўлалигича аниқлашга муваффақ бўлди. Аниқланишича, буюк олим ёзув учун стенографиянинг унчалик маълум бўлмаган эски системасидан фойдаланган экан.

● ЭЛЕКТРОН ЭНАГА ЮМУШЛАРИ

«Болангизни профилактик кўрикдан ўтказишга олиб келишингизни сўраймиз...» — Болгариянинг Руса шаҳрида яшовчи мактабгача ёшдаги фарзанди бўлган ота-оналар яқинларига участка врачи ёки медицина ҳамшираси қўли билан ёзилган ана шундай мазмундаги таклифномани олар эдилар. Эндиликда эса улар «электрон медицина ҳамшираси» — компьютер томонидан тўлдирилган ана шундай почта карточкаларини оладиган бўлдилар. Электрон ҳисоблаш машинасининг «хотираси»да барча болалар тўғрисидаги маълумотлар сақланади. Эндиликда медицина ҳамшираларни фақатгина кўрикдан ўтишни зарур бўлган ёки эмланиши керак бўлган болаларга буюртма бериш бўйича махсус бланканти тахт қилишлари керак, холос. Қолган барча ишлар — боланинг исми, туғилган йили, у яшайдиган жой адреси, сана ва бориши керак бўлган поликлиника номери электрон ҳисоблаш машинасидаги ёзадиган қурилма томонидан тўлдирилади.

● ЧЕКИШНИ ТАШЛАНГ

Исландияда ҳамма жамоат жойларида чекишни тақиқлайдиган қонун кучга кирди. Шу билан бир вақтда тамаки маҳсулотларини сотишга рухсат берилди. Лекин бунинг бир шарти бор. Бу шарт шундан иборатки, тамаки маҳсулотлари пачкаларига чекишнинг зарарини ифодайдиган ёзувлар ёзилиши ва кашандаликнинг инсон саломатлигига кўрсатадиган оғир оқибатларини тасвирловчи расм туширилган бўлиши керак!

● МАНА СИЗГА СПРАВКА!

Италиянинг Перуджа шаҳрида истиқомат қиладиган 73 ёшли Эдда Тринаттн врачларга жуда бир ғалати илтимос билан мурожаат қилиб келди. У ушбу кампирнинг футбол ўйинларини кўришга... борниш учун салбматликги жойида эканлигини тасдиқлайдиган справка беришларини талаб қилиб сўзида қатъий туриб олди. Гап шундаки, бир неча йилдирки Эдда Тринаттн футбол ўйинларининг ашаддий ишқибоз сифатида маҳаллий команданинг учрашувларини асло канда қилмасдан томоша қилгани стадионга тушади. Кампирнинг қариндошлари Эдда Тринаттнинг стадион минбарида ўзини ниҳоят даражада ҳаяжонланган ҳолатда тутишини билиб, унинг саломатлиги тўғрисида гўё ғамхўрлик қилган кишилар бўлиб, Эдда Тринаттига навбатдаги футбол ўйинида қатнашишга розилик бермасликка бир уриниб кўришди. Бироқ уларнинг қўлидан ҳеч қандай иш келмади: врачлар Тринаттининг саломатлигини яхши деб тан олдилар ва унга тегишли справка ёзиб бердилар.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЮКСАК БАҲО

ПНОМПЕНЬ. Кампучия Совет Иттифоқи ўтказаётган тинчликсевар ташқи сиёсатни юксак баҳолайди, советлар мамлакатининг ядро ҳалокатининг олдини олишга, халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган конструктив ташаббусларини қўллаб-қувватлайди, деди бу ерда КХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КХР Министрлар Советининг раиси, КХР Ташқи ишлар министри Хун Сен.

Ядровий ва космик қуроллар юзасидан Женевада Қўшма Штатлар билан ўтказилаётган музокараларда Совет Иттифоқи тутаётган конструктив позиция СССР изчил ташқи сиёсий йўл ўтказаётганлигининг ёрқин намунасидир. Совет Иттифоқи космос ҳарбийлаштирилишига йўл қўймаслик, қуролланиш пойгасини жиловлаш, халқаро кескинликни юмшатиш мақсадида ўзаро мақбул аҳдлашувларга эришишни ёқлаб чиқмоқда. КХР Женевадаги музокараларнинг муваффақияти Вашингтоннинг нечоғлик масъулият билан ва оқилона ёндашувига боғлиқ деб ҳисоблайди.

Халқ Кампучияси Америка маъмуриятининг қурол-яроғлар соҳасида бир томонлама устунликка эришишга, жаҳондаги вазиятни янада кескинлаштиришга қаратилган сиёсатини қатъий қоралайди. КХР озод мустақил давлатларнинг, энг аввало Жанубий-Шарқий Осиё ва Ҳинди-Хитойдаги мамлакатларнинг ички ишларига ошкора аралашувини тўхтатишни АҚШдан талаб қилади. Регион халқлари мавжуд келишмовчиликларни ташқаридан тазйиқсиз, манфаатдор томонларнинг тинч йўл билан музокаралар олиб бориш асосида бартараф этиш имкониятига эга бўлишлари зарур, деди Кампучия раҳбари.

Ҳинди-Хитой мамлакатлари ташқи ишлар министрларининг Хошимин шаҳрида бўлиб ўтган конференциясида ўртага қўйилган конструктив таклифлар Кампучия тевараигидаги кескинликни юмшатиш, Жанубий-Шарқий Осиёни тинчлик зонасига айлантириш учун мустаҳкам негиз бўлди. Мавжуд проблемаларни сиёсий жиҳатдан тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган бу ташаббусларни бутун тараққийпарвар жамоатчилик қўллаб-қувватламоқда.

Қурғоқ мавсум даврида Кампучия халқ революцион армияси мамлакатнинг суверенитети ва территориал бутунлигини қўпоришга уринган Кхмер реакцияси гуруҳлари устидан қозонган муҳим ғалабалар республиканинг мудофаа қобилияти мустаҳкамланганлигидан яққол далолат беради. Кампучия халқи революция ғалабаларини мустаҳкам ҳимоя қилиш, империализм ва халқаро реакция кучларига муносиб зарба бериш учун зарур имкониятларга эга, деб таъкидлади Хун Сен.

ГВАТЕМАЛАДА ТЕРРОР

ГАВАНА. Террор ва оммавий репрессиялар, прогрессив арбобларнинг «ғойиб бўлишлари» ва улар ўлдирилаётганлиги, инсон ҳуқуқлари бошқа йўллар билан ҳаддан ташқари бузилаётганлиги Гватемаланинг ҳозирги турмушига хос хусусиятлардир, деб ёзади Кубанинг «Верде Оливо» журнали. Гватемала инсон ҳуқуқлари комиссиясининг гувоҳлик беришича, ўтган йилнинг ўзидагина минглаб ҳеч бир гуноҳсиз граждапар ўлдирилган ёки «бедарак йўқолган». Бироқ ҳатто бу маълумотлар ҳам Марказий Америкадаги шу мамлакат халқи бошидан кечираётган фожианинг чинакам кўламларини тўлиқ акс эттирмайди. Бу халқ АҚШ империализми қўллаб-қувватлаётган ҳарбий диктатура зулми остида яшамоқда.

Генерал Мехия режими, деб ёзади журнал, шаҳарлар ва йирик аҳоли пунктларида мунтазам суратда ялпи тинтув ўтказиб турибди. Бунда охранка барча «шубҳали» кишиларни хибсга олмоқда, сўнгра эса ана шу кишилар одатда ном-нишонсиз ғойиб бўлмоқдалар. Шундай воқеалар маълумки, жаллодларнинг қўлига тушган кишиларни вертолётлардан вулқонларнинг кратерларига ёки денгизга ташлашган. Гватемала охранкаси қамоққа олинган кишиларга «ишлов бериш»нинг энг шафқатсиз методларидан кўпчилигини Чили фашистларидан ўрганиб олган. Чили фашистларининг махсус хизмат маҳкамалари оппозициядан қонли ўч олиш борасида орттирган тажрибасини Гватемала режими ва Лотин Америкасидаги халққа қарши бошқа режимлар билан бажонидил баҳам кўрмоқдалар.



Танзания Бирлашган Республикаси ўзининг 21 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Ўтган йиллар мобайнида мамлакат аҳолиси озодлик ва бирдамлик шиори асосида бир қатор ютуқларни қўлга киритди. Айниқса озодлик йилларида янги жамият учун кураш қизғин тус олдм. Мамлакатда соғлиқни сақлаш ва халқ маорифи соҳасида бир қатор ютуқлар қўлга киритилмоқда. Танзания саноати ривожланиш йўлига кирган. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам жиддий ишлар амалга оширилиб, қишлоқ меҳнаткашлари учун кўплаб қулайликлар яратилмоқда. Кейинги йилларда мамлакатда бошқа ҳукуматлар билан савдо-сотиқ алоқаларини кенгайтириш режаларн амалга оширилмоқда.

СУРАТДА: Дар-эс-Салама портида.

«Вулқонлар қароргоҳи»

Хитойнинг жанубий қисмида халқ ичида «вулқонлар қароргоҳи» деган жой бор. Бу ерда сўниб қолган 14 та вулқон жойлашган. Уларнинг энг қадимгиси бундан 600 минг йил илгари ер қаърндан отилиб чиққан. 1721 йилда ҳаракатга келган вулқон эса воҳадаги энг «кенжа» ҳисобланади. Вулқонлар дараси ўзининг ширфобахш манбаларн билан машҳурдир. Шу боксдан воҳада бир қатор санаторийлар қурилган бўлиб, ичак-ошқозон, асаб ва терн касалликларн билан оғрнган беморлар даволанишадн.

Шовқиннинг зўрлиги туфайли

Брюсселдаги метеорологик станциясининг асбобларн номаълум бўлган тебранишларни рўйхатга олди. «Шу пайтгача бизга номаълум бўлган сигналларни аппаратлар қайд қилгач, саросимага тушиб қолдик», —деди станция ходими Мартина Дебоккер. —Ер қимирлашининг манбанни топа олмай овора бўлдик». Унн қарангки, ирландиялик «У—2» рок-группаси шунчалик шовқин билан ўз санъатнни намойиш қилибдики, натижада музикачилар ҳозир бўлган уй шовқинининг кучлилигидан ларзага келиб, сунъий ер қимирлашни келтириб чиқарибди.

Ўт ўчирувчилар... пиёда

Маълумки, ёнғин кутилмаган офатларни келтириб чиқаради. Айниқса, Италиянинг Полерма шаҳри аҳолн ёнғин чиқишидан жуда ҳам ташвишда. Чунки бу шаҳардаги ўт ўчирувчилар офат юз берган жойга... пиёда етиб боришади. Гап шундаки, ўт ўчириш ҳизматн маблағнинг камлигн туфайли ҳизмат машиналаридан фойдаланиш учун нафақа тўлаш қудратига эга эмас. Бахтга қарши полицня нафақа тўланмаган машинадан фойдаланганн учун ўт ўчирувчиларни ҳар қандай шароитда ҳам ушлаш мумкин.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 Тошкент бет. оқшоми

12 АПРЕЛЬ, 1985 й.

ҲУРМАТЛИ КИНОТОМОШАБИНЛАР!

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ
ВА
ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

СИЗЛАРНИ ЯНГИ ИККИ СЕРИЯЛИ

«ҒАЛАБА»

БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ТОМОША ҚИЛИШГА

ТАКЛИФ ЭТАДИ



Сценарий муаллифлари —В. ТРУНИН, Е. МАТВЕЕВ.
Режиссёр — Е. МАТВЕЕВ.
Ролларда: А. МИХАЙЛОВ, А. МИРОНОВ, Г. МЕНГЛЕНТ ва бошқалар.

Фильм асосида икки тарихий воқеа: — уч буюк давлат — СССР, Англия, АҚШ ҳукумат бошлиқларининг 1945 йилги Потсдам конференцияси ва 1975 йили Хельсинкида Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлигига бағишлаб ўтказилган кенгаш ётади. Бу икки воқеа фильм бош қаҳрамони — совет журналисти Воронин кўз олдидан ўтади.

Фильмни «МОСФИЛЬМ» (СССР) ва «ДЭФА» (ГДР) киностудиялари ҳамкорликда яратган.

МАЗКУР КАРТИНАНИ ҚУЙИДАГИ КИНОТЕАТРЛАРДА ТОМОША ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

«САНЪАТ САРОЙИ», «ЧАЙКА», «ВАТАН», «НУКУС», «ҚОЗОҒИСТОН», «ДРУЖБА», «ВОСТОК», «ТРАКТОРНИЙ».

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

ШОДИЁНА БАҲОР БАЙРАМЛАРИ —1 МАЙ ВА ҒАЛАБА КУНИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ЯҚИНЛАШИБ КЕЛМОҚДА.

ПОЧТА ЖЎНАТМАЛАРИНИ СЎНГГИ БАЙРАМОЛДИ КУНЛАРИГА ҚОЛДИРМАНГ. 1 МАЙ ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, УЛАРНИ МАНЗИЛГА ЕТКАЗИБ бериш муддатн билан бошқа шаҳарларга —27 АПРЕЛДАН, маҳаллий донрада 29 АПРЕЛДАН, Ғалаба куни табрик телеграммаларини қабул қилиш эса бошқа шаҳарларга —6 МАЙДАН, маҳаллий донрада — 7 МАЙДАН бошлаб тўхтатилади.

Телеграммаларни жўнатаётганда жўнатувчи ва адресатга хизмат қилаётган алоқа бўлимининг номерини, албатта кўрсатинг.

Почта жўнатмаларини юбораётганда жўнатувчи ва қабул қилиб олувчининг адресига олти рақамли почта индексини кўрсатишни унутманг. Бу почта жўнатмалари ва телеграммаларни манзилга вақтида етказиб беришни тезлаштиради.

ХАТЛАРИНГИЗНИ ФАҚАТ 114x162 мм., 162x229 мм., ВА 229x324 мм., ҲАЖМИДАГИ СТАНДАРТ КОНВЕРТЛАРДА ЖЎНАТИНГ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИ (700000, Тошкент шаҳри, 1-Май кўчаси, 7-уй).

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА —12/IV да **Театр солисти Г. ТОШБОЕВАнинг ИЖОДИЙ КЕЧАСИ,** 13/IV да **Фауст,**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/IV да **Зебуннисо,** 13/IV да **Ғариблар,** 14/IV да **Ўғрини қароқчи урди.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —13/IV да **Тошкентликлар,** 14/IV да **Тоҳир ва Зуҳра.**

ЦИРК

Тошкент давлат циркида — Тошкентда биринчи марта Р. АКОПЯН иштирокида «ЦИРК, ЦИРК, ЦИРК!» программаси (19.30).

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

15, 16, 17, 18 АПРЕЛЬ СОАТ 20.00 ДА

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган
«БАҲОР» ДАВЛАТ ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИНИНГ РАҚҚОСАЛАРИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
АҲМАДЖОН ШУКУРОВ

Самарқанд область Давлат филармониясининг солисти
НАСИБА АБДУЛЛАЕВА

Самарқанд область Давлат филармониясининг
ЭСТРАДА ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ

Билетлар Я. М. Свердлов номли концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилмоқда.

КИНО

12, 13 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАДРДОН УМРАО» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 44-21-44).

«МУТТАҲАМНИНГ УЛИМИ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

«ТУТСИ» — **Чайка** (тоқ соатларда, телефон 77-06-20), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Ватан** (тоқ соатларда), **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00, телефон 35-24-92), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«ШАҲРИЗОДАНИНГ ЯНА БИР ТУНИ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ТЎРТ МУШКЕТЁР» — **Восток** (13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61).

«СПАРТАК» — **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00; телефон 96-34-02), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (11, 14, 17, 20.00; телефон 33-44-52).

«МЕН ҚЎРҚАМАН» — **Фестиваль** (11, 14, 17, 19.30; телефон 32-78-02).

«ОВСАР», «ОВСАР ИНСПЕКТОР» — **Ҳамза номли** (11, 14.30, 18, 21.00; телефон 91-10-51).

«ЖАНДАРМ ВА УЗГА САЙЁРАЛИКЛАР» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрини истиқболли ривожлантириш плани асосида М. ГОРЬКИЙ ПРОСПЕКТИДА — ГЕНЕРАЛ ПЕТРОВ КЎЧАСИДА трамвай йўли ётқизилиши муносабати билан

19, 20, 21 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ
3, 6, 13, 22, 23, 25, 28, 29 трамвай маршрутлари ҳаракати

ТЎХТАТИЛАДИ

М. Горький проспекти — Генерал Петров кўчаси чорраҳаси 17 апрелдан 27 апрелгача автомобиль транспортининг барча турлари ҳаракати учун ёпиб қўйилади.

89-автобус маршрути ана шу кунлар ичида Доғистон кўчаси бўйлаб қатнови йўлга қўйилади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси

ТЕЗ ВА МАЛАКАЛИ ХИЗМАТ

«ТАШПРОКАТРАЗНОБИТ»
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ
МАШИНКАДА ЁЗУВ БЮРОСИДА
диссертациялар, диплом ишлари, докладлар, протоколлар, ҳар хил мураккабликдаги жадваллар

ТЕЗ ВА МАЛАКАЛИ КЎЧИРИБ БЕРИЛАДИ

Муассасалар ва оддий кишилар бюронинг хизматидан баҳраманд бўлишлари мумкин.

Буюртмаларни бажариб бериш муддати буюртмачи билан келишилади. Хизмат ҳақи учун баҳолар прейскуранти бўйича нақд пул тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 185-алоқа бўлими, Чилонзор массиви, Е-квартали, 6-уй. Телефон 77-84-77.

«ТАШГОРПРОКАТРАЗНОБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (телефон 77-84-77).



КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИНИНГ ИХТИСОСЛАШГАН 13-«БУКИНИСТ» КИТОБ МАГАЗИНИ

бадиий, илмий-техника ва медицина адабиёти, тарих ва фалсафа, шарқшуносликка оид китоблар, санъат ва спорт мавзуидаги китоблар ва альбомлар, справочник ва энциклопедиялар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, шунингдек инқилобгача нашр қилинган ноёб адабиётлар ва китобларни

СОТИБ ОЛАДИ ВА КОМИССИЯГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Рус, совет ва чет эл адабиёти классиклари асарларининг кўп томлик тўпламлари номинал баҳолардан бирмунча юқори қийматларда сотиб олинади.

МАГАЗИН: Брокгауз ва Эфрон, ака-ука Гранталарнинг энциклопедик луғатларини, «Просвещение» нашриёти чиқарган барча кўп томлик нашрларни, Даль, Ушаков, Ожегов луғатларини, Катта Совет Энциклопедиясининг 2 ва 3 нашрларини

СОТИБ ОЛАДИ

МАГАЗИН ҚУЙИДАГИ НАШРЛАРНИ ТАВСИЯ ҚИЛАДИ:

Жаҳон адабиёти кутубхонаси, 200 томлик. Баҳоси — 2400 сўм.

«Умумий санъат тарихи», 6 томлик (8 китобда). Баҳоси — 175 сўм.

Катта медицина энциклопедияси, 2-нашр.

«Товар луғати», 9 томлик. Баҳоси — 45 сўм.

«Коинот ва инсоният», 4 томлик. Баҳоси — 100 сўм.

Шунингдек чет элларда инглиз тилида чоп этилган бадиий адабиётлар.

Магазиндаги мавжуд айрибошлаш фондидан китобсеварлар ўзларига маъқул бўлган китобларни танлаб, шунга тенг келадиган нашрларга алмаштириб олишлари мумкин.

Катта шахсий кутубхона эгалари адабиётни танлаш учун товаршуносни уйга таклиф қилишлари мумкин.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй (7, 8, 11-трамвайларнинг «Санъат саройи» бекати).



«О-65»
СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА

СИЗ АНА ШУ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИБ, МАИШИЙ ХИЗМАТ УСТАХОНАЛАРИ КЎРСАТАДИГАН ХИЗМАТНИНГ, ИШ СОАТЛАРИ ВА НОМЛАРИНИ БИЛИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари, кийим-кечаклар тикиш ательелари, маиший-техника, телевизор ремонти бўйича устахоналар, теле ва радиотелеательелар, кир ювиш устахоналари, сартарошхоналар, химчистка, прокат пунктлари

ХАЙРЛИ ХИЗМАТ БЮРОСИ

сизнинг кичкинтойларингизни парвариш қилиш учун энагалар топишга,

квартираларни ораста қилиш, шаҳримизга келган меҳмонларни эса квартираларга жойлаштиришга ёрдам беради.

«065» ХИЗМАТИ

сизнинг хоҳишингизга кўра якка тартибда хизмат кўрсатиш юзасидан сиз билан шартномалар тузади.

Бундай ҳолда сиз бутун йил мобайнида сизни қизиқтирган барча масалалар бўйича янада тўла ахборотлар олишингиз мумкин.

ШАРТНОМА ТУЗИШ ЮЗАСИДАН «065» ТЕЛЕФОНИ ОРҚАЛИ ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ.

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг «065» справка-ахборот хизмати қуйидаги адресда жойлашган: Тошкент шаҳри, 1-Май кўчаси, 1-уй.

«ТАШГОРПРОКАТРАЗНОБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (телефон 77-84-77).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

«Шўртангаз» газ саноати бошқармасининг 3-қурилиш-монтаж бошқармасига берилган 673-номерли йўқолган

ИШОНЧ ҚОҒОЗИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Чилонзор алоқа узели касаба союз комитетининг йўқолган

ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ишлаб чиқариш бўлими бошлиги

Анвар Жамилович ЖАМОЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Октябрь район пишчеторги коллективи марказлаштирилган бухгалтерия группаси бошлиги Р. З. Зокирова отаси

Зокир Зокирович ЗОКИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТВ

ЖУМА

12 АПРЕЛЬ

● МТ I

18.30 «Қалбга яқин қўшиқлар».
19.00 «Осмонни кўриқлаб». Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ҳақида ҳужжатли фильм премьераси. «Совет Қуролли Кучлари» туркумидан.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 МТ ва БР рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти.
20.20 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм премьераси. 8-фильм — «Ҳаёт йўллари».
21.30 «Время».
22.05 Космонавтика кунига бағишланган концерт.
23.35 «Дунё воқеалари».

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

12 АПРЕЛЬ, 1985 й.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Ўқитувчига — музика сабоғи». 4-синф. 2-кўрсатув.
19.50 Ритмик гимнастика.
20.20 «Советский воин». Киножурнал.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
21.15 Духовой оркестр чалади.
21.30 «Время».
22.05 Телевизион бадиий фильм премьераси.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Алдаркўса». Қўғирчоқ фильм.
18.30 «Ёшлик студияси кўрсатади. «Касбим — фахрим».
19.00 «Анъаналар ва замонавийлик».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Қизиқарли учрашувлар». Ёш мухбирларнинг икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт-учувчиси В. Жонибеков билан учрашуви (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 «Бўстон» фольклор ансамбли». ЎзССР халқ артисти Раҳима Мазоҳидова иштирок этади.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 «Бахтли бўлишни истасанг». Бадиий фильм.
23.45 Янгиликлар.

● УзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Ўқитувчилар учун консультация. Умумий таълим мактабида логопедик ёрдами ташкил этиш (рус.).
18.50 «Бувимнинг сандиғи». Телефильм.
19.00 «Бош конструктор». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Меҳнат интизомини мустаҳкамлайлик».
20.50 «Баҳорги турнир». Телефильм.
21.05 «Қишлоқ қаётн» (рус.).

ШАНБА

13 АПРЕЛЬ

●МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм. 8-фильм —«Ҳаёт йўллари».
10.45 «АБВГДейка».
11.15 Рус халқ хори ижро этади.
11.30 «Чимкент эталони». Телефильм премьераси. «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат» туркумидан.
11.50 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган Бутунроссия бадиий кўргазмаси.
12.15 «Ўртоқ қўшиқ» Бутуниттифоқ телеконкурси.
13.10 «Мардлик қонунига биноан».
13.40 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.10 «Калугада шундай чорраҳа бор...»
15.10 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг VI Халқаро фестивали «Бизнинг куйларимиз» (Гана).
15.35 «Дунё воқеалари».
15.50 «В И Ленин. Ҳаёти саҳифалари». «Бир бор танланган йўл». Кўп серияли телефильм. 2-фильм —«Учрашув»
16.50 Сиёсий шарҳловчи А. З. Ивашченко суҳбати
17.20 «Хатолар ороли» Мультфильм.
17.45 «Сандино ери узра тонг». Телефильм.
18.40 «Ҳайвонот оламида».
19.40 «Ветеранлар, Сизлар учун».
20.30 «Салом, бу мен» Бадиий фильм 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Салом, бу мен» бадиий фильмининг 2-сериями.
23.20 Янгиликлар.
23.30 А. Пугачёва куйлайди.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 Болгария радиоси ва телевидениеси болалар хорининг концерти.
10.15 «Сиз яратган боғ».
10.45 «Тонгги почта».
11.15 «Шоирлар Маяковский ҳақида».
12.30 МОЛДАВИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
14.00 «Саёҳатчилар клуби».
15.30 «Дебют». Балерина М. Богданова
16.00 Шимолий Осетия санъат усталарининг концерти.
17.00 «Қизлар-оналар». Бадиий фильм.
18.35 «Яна бир бор овозингни тинглайман». Р. Желакаева ва П. Деметр иштирокида музикали кўрсатув.
19.05 Мультфильмлар: «Музика», «Казаклар қандай қилиб мушкетёрларга ёрдам беришди».
19.30 «Здоровье».
20.15 «Халқаро обзор».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Музикали мозаика».
21.15 «Сув полоси». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 МТ ва БР симфоник ҳамда эстрада куйлари оркестрининг концерти.
23.25 «Сиз бунга қодирсиз».

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Спорт ҳақида ҳужжатли фильмлар.
11.05 «Қувончч». Болалар учун фильм-концерт.
11.30 «Шахмат мактаби».
12.00 «Иқтисодий эксперимент кенг қулоч ёймоқда» (рус.).
12.30 «Бахши шоирлар телевизион конкурси». З. Исломов, Р. Қултўраев.
13.30 «Ўқитувчи — мактаб ислоҳотини амалга оширишда асосий фигура». Умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари ҳақида.
14.00 «Кинохроника почтасидан».
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Жасур чигиртка», «Чумчуқча». Мультфильмлар.
18.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Мўъжизалар оламига саёҳат» (рус.).
19.15 «Цирк! Цирк! Цирк!»
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.30 «Ахборот» (ўзб.).
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дўстлик тароналари» СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари

● ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 10184. Индекс 64696. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.